

**МУАССИС:***Жиззах давлат педагогика институти***БОШ МУҲАРРИР***Абдугани ХОЛБЕКОВ - соц.ф.д., профессор***БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРЛАРИ***Усмонжон ҚОСИМОВ - фил. ф.н., доцент  
Файрат ҚОДИРОВ - б.ф.н.***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

*Аҳмадали АСҚАРОВ - тар. ф. д., академик  
Анатолий САГДУЛЛАЕВ - тар.ф.д., академик  
Алишер УСМОНКУЛОВ - тех. ф.д., доцент  
Фурқат ЖЎРАҚУЛОВ - сиё.ф.д., доцент  
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ - пед.ф.д., профессор  
Сарвар НАЗАРҚОСИМОВ - соц.ф.б.(PhD)  
Бахтиёр ТЎРАЕВ - фал.ф.д., профессор  
Нигина ШЕРМУҲАМЕДОВА - фал.ф.д., проф  
Бахти ОЧИЛОВА - фал.ф.д., профессор  
Абдунаби ҲОТАМОВ - фал.ф.н., доцент  
Умрзоқ ЖУМАНАЗАРОВ - фил.ф.д., проф.  
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ - фил.ф.д., проф  
Абдуғафур МАМАТОВ - фил.ф.д., профессор  
Олег КИМ - фил.ф.н., доцент  
Дилором ХОЖИМЕТОВА - фил.ф.н., доцент  
Суннатилло СОИПОВ - фил.ф.н.  
Юлдуз КАРИМОВА - фил.ф.н.  
Омон ИСАРОВ - фил.ф.н., доцент  
Норбек ТОЙЛАҚОВ - пед.ф.д., профессор  
Барно АБДУЛЛАЕВА - пед.ф.д., профессор  
Файрат ШОУМАРОВ - псих.ф.д., профессор  
Ҳамид МЕЛИЕВ - пед.ф.н., профессор  
Холбўта ТЎРАҚУЛОВ - тех. ф.д., проф.  
Раҳматулла БЕКМИРЗАЕВ - ф.м.ф.д., проф.  
Қаҳрамон РАЖАБОВ - тар.ф.д., проф.  
Гулчеҳра АГЗАМОВА - тар.ф.д., проф.  
Фаниля АХМЕДШИНА - тар.ф.д.  
Мухторқул ПАРДАЕВ - тар.ф.н., доцент  
Худойберган МАВЛОНОВ - биол.ф.д.  
Қўчқор ҲАКИМОВ - геог.ф.н., профессор  
Рустам АБДУРАСУЛОВ - псих.ф.д., проф.  
Холмат ШОДИЕВ - псих.ф.н., доцент  
Марат СУЛТОНОВ - кимё ф.д., доцент  
Фурқат АХМЕДОВ - пед.ф.н., доцент  
Фазилат ИБРАГИМОВА - фил.ф.н., доцент  
Раббим ЮСУПОВ - тех.ф.н., доцент  
Камолиддин ЗОЙИРОВ - пед.ф.н., доцент*

**НАВБАТЧИ МУҲАРРИР***Феруза ЖУМАЕВА - фил.ф.н. (Ph.D)***МАСЪУЛ КОТИБ***Бекзод МИРЗАЕВ*

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг филология, фалсафа ва педагогика фанлари бўйича эксперт кенгаши (2018 йил 29 декабрдаги 260/6-сон баённомаси) тавсияси билан зарурий нашрлар рўйхатига киритилган.

**МУНДАРИЖА****БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ****Абдугани ХОЛБЕКОВ.** Таълим сифатини таъминлаш - тараққиёт омили.....3**ДАВР МУАММОСИ****Савлабек КИСТАУБОВ.** Экологик сиёсат - атроф-муҳит барқарорлашувининг муҳим шarti.....4**ТАҚВИМ: ҲАМИД ОЛИМЖОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИ****Усмонжон ҚОСИМОВ, Юлдуз КАРИМОВА.** Бетақроп истеъдод ва ранг-баранг ижод.....6**ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ВА ФАЛСАФА****Абдунаби ХОТАМОВ.** Дунёқараш инсон билиш фаоллигининг муҳим шакли.....9**Ақтам САМАДОВ.** Шахс эстетик идеалининг диний идеал билан ўзаро алоқаси.....11**Ёрқин ТУРОПОВ.** Шахс ижтимоий фаолиятида бағрикенгликнинг ўрни.....16**ФИЛОЛОГИЯ: ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ФОЛЬКЛОР****Фазилат ИБРАГИМОВА.** Ўзбек тили ва лингвомаданий кодлар назарияси.....18**Хайрулла ИБРАГИМОВ, Феруза АБДУЖАЛИЛОВА.** Ўзбек тилида лисоний бирликларнинг ўрни.....20**Абдували МУСАЕВ, Гулжаҳон УМРЗОҚОВА.** Ўзбек адабий тилининг меъёри ва нутқ маданияти.....22**Лайло ИБРАГИМОВ, Жамолдин ЖЎРАЕВ,** Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъи саъдайн" асари матнига доир изоҳ.....25**Шаҳобиддин НУРИДДИНОВ.** Комил Хоразмий ғазалларининг жанрий хусусияти.....28**Сунатилло СОИПОВ.** Равзат уш-шухадо достонинг композицияси .....30**Нурбой ЖАББОРОВ.** Ҳамзанинг Туркистон жадидчилик ҳаракатида тутган ўрни.....33**Лайло ЎСАРОВА.** Абдулла Орипов шеъриятида ватан образининг бадий талқини.....36**Умрзоқ ЖУМАНАЗАРОВ.** Ўзбек фольклори жанрларида тарихийлик масаласи.....39**Тўхтамурод ҚўЧҚОРОВ.** Қадимги хитой ёзма манбаларида тотемистик мифлар.....42**ИННОВАЦИЯ ВА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ****Носиржон УЛУҚОВ, Наргиза ЭРКАБОВЕВА.** Она тили таълимида тест технологияларидан фойдаланишнинг асослари.....44**Мурод БАРАКАЕВ, Абдували ШАМШИЕВ, Гулноза ТАЙЛОҚОВА.** Математикани ўқитишда амалий мазмундаги масалалардан фойдаланиш зарурати.....48**Камолиддин ЗОИРОВ.** Мустақил таълим - бўлажак меъморларнинг график малакасининг муҳим омили.....50**Шокир БОБОБЕКОВ.** Ўқувчиларнинг электрон рақамли имзо ҳақидаги тасавурлари.....52

# ҲАМЗАНИНГ ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Нурбой ЖАББОРОВ - филология фанлари доктори, профессор  
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университети

2019/4-СОҲ

**Ҳ**амза Ҳакимзода Ниёзий Туркистон жадидчилиқ ҳаракати ва жадид адабиётининг атоқли намояндаларидан.

У серқирра ижодий ва қизгин ижтимоий-сиёсий фаолияти билан жадидчилик ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Ҳамза ва жадидчилик ҳақида сўз кетар экан, бизнингча, унинг бу борадаги фаолияти билан боғлиқ куйидаги тўрт жиҳатни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур:

1. Жадидчиликнинг тамал тоши дея эътироф этилган янги мактаб ва маорифни замон талаблари даражасига кўтариш.

2. Бадиий ижодида миллат маърифати ва озодлиги мавзунинг бетақрор талқин этилиши.

3. Жадид матбуоти ва публицистикаси ривожигаги ўрни ва роли.

4. Ижтимоий-сиёсий ҳаракатлардаги фаол иштироки.

Ҳамза эски мактабда ўқиб юрган кезларда "усули жадид" мактаблари очила бошлагани, улардаги ўқитиш усуллари бўлажак зиёлида катта қизиқиш уйғотгани маълум. Кейинчалик мадрасада ва бир муддат рус-тузем мактабида ўқир экан, бу қизиқиш жидду жаҳдга айланди. Ҳамзада жадид мактаблари ташкил этиш гоёси "усули савтия"нинг асосчиси Исмоилбек Гаспрати ва Тошкент жадидларидан Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, ака-ука Шоқиржон ва Собиржон Раҳимийлар ва Самийқори таъсирида шаклланди. Усули жадид мактабини биринчи марта 1910 йили Тошкент шаҳар Қашқар маҳалласида очгани ҳам бунинг исботидир. Академик Наим Каримовнинг аниқлашича, ҳамза 1910 йил 2 октябридан Собиржон Раҳимий билан яқиндан ҳамкорлик қилади ва бир муддат у ташкил этган "Раҳимия" мактабида фаолият юритиб, тажриба орттиради [3.140]. Орадан бир йил ўтиб, шундай мактабни Қўқонда ташкил этади. Табиийки, бу мактаблар ерли аҳолини илм-маърифатдан узоқда сақлаш ниятидаги чор маъмурларига ёқмайди. Мактаб тез орада ёпилади ва Ҳамза 1911 йили ҳаж нияти билан сафарга чиқади. Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия ва Арабистонда бўлади. Ўзи борган давлатлардаги мактаб-маориф, таълим-тарбия тизимини яқиндан ўрганади. Ҳаждан қайтгач, Марғилонда, кейин Қўқонда янги мактаблар очиб, "усули савтия"ни жорий этади. "Таржимаи ҳоли"да бу ҳақда куйидагича маълумот берган эди: "1914 йилнинг охирида Марғилонда мактаб очдим. Саккизинчи ойгача бормай, Андреев исминдаги Скобел маориф раҳбари томонидан мажбурий ёпилди... Ундан яна Хўқанд келиб, ...ўқусул болалар учун пулсиз ўқутуш мактаби очдим... ўзим 4 ойча давом эттиргандан кейин уяз началниги Мединский томонидан тинтув бўлуб, ёпилди. Лекин ҳеч бир қандай қоғозларим қўлига тушмаган учун қамалмай қутулдим" [6.294,295].

Миллат маърифатини юксалтиришга қодир салоҳиятлар авлод тарбиясини ҳаёт-мамонт масаласи деб билган Ҳамза таъкиб-таъжирларга қарамай, янги мактаб гоёсидан воз кечмади. Мутафаккир жадидлар томонидан "...ўқитиладиган дарснинг мазмунидан уни ўқитиш усули ва баҳолаш жараёнигача, ўқувчининг дарс тинглайдиган дарсхонасидан дарс жадвали-ю, қишки ва ёзги таътилигача, мактабнинг жойлашиш ўрнидан, синф хонала-

## Аннотация

В статье исследовано место Ҳамзы Ҳакимзады Ниёзии в джадидском движении Туркестана. Автор статьи анализирует материалы о деятельности Ҳамзы в сферах реформы школьного образования, литературы, его место в развитии джадидской печати и публицистики, а также активное участие поэта в общественно-политическом движении того времени.

**Ключевые слова:** джадидское движение, джадидская литература, национальное просвещение, джадидская печать, школы нового метода, образование.

## Abstract

The role of Hamza Hakimzoda Niyazi in the Turkestan jadid movement was researched in this article. The author analyzes Hamza's work in the field of educational reform, artistic activity, his role in the development of the Jadid press and publicity, and his active participation in the socio-political movements of the time. Their views are convincing clearly.

**Keywords:** jadid movement, jadid literature, national enlightenment, jadid press, new methodist schools, education.

рининг жиҳози-ю ёруғлик даражасигача замонавий асосларда кўриб чиқилиб, мактаб таълимининг янги дастури майдонга келтирилган"и [4.21] бу гоёнинг асосини ташкил этар эди. Табиийки, бу гоёни амалга ошириш фидойилик ва юксак маърифат билан бирга катта маблағни ҳам талаб этар эди. Жадидлар, шу жумладан Ҳамза ҳам миллат бойларини бу мақсад йўлида бирлашишга чақирди. Хайрия жамиятлари тузилди. Ҳамза "Дор ул-айтом" - етимлар учун мактаблар очилишига эришди. Янги усул мактаблари учун "Енгил адабиёт", "Ўқиш китоби", "Қирот китоби" сингари дарсликлар яратди. Профессор Улуғбек Долимовнинг ёзишича: "...неча асрлардан буён мактабларда қўлланиб келинаётган китоблар янги давр ёшларини тарбиялашга, кенг кўламда фикрловчи, миллат, Ватан жароҳатларига малҳам бўлувчи, XX аср илм-фан, техникасидан хабардор ёшларни кураш майдонига олиб чиқишга қодир эмаслигини ҳатто "усули қадим" тарафдорлари ҳам тушуна бошлаган эдилар. Бунинг учун ёшларни ярамас одатлардан, ахлоқий тубанликка, фожияли натижаларга олиб борувчи турли-туман кўнгили хуши ўйинлардан муҳофаза қилиш, шу билан бирга, ахлоқий покликка етаклаш керак эди. Ҳамзанинг дарсликлари мана шу эҳтиёж натижаси ўлароқ вужудга келди" [2.329,330].

Мазкур мактабларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида 1915 йилда Қўқон шаҳрида "Ғайрат" китобхонасини ташкил этди. Саидрасул Саидазизовнинг "Устоди аввал", Мунавварқори Абдурашидхоннинг "Ер юзи", Абдулла Авлонийнинг "Биринчи муаллим", "Иккинчи муаллим", "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ", Рустамбек Юсуфбек ҳожининг "Таълими аввал" дарсликлари

сақлангани ушбу кутубхонанинг янги мактаблар учун чин маънода ўқув-методик база вазифасини ўтаганидан дарак беради. "Дор ул-айтом"да Хўқанднинг ҳар тарафидан ўлсун фақир болаларни, шубҳасиз, қабул қилинадур. Фақат дафтар, қаламдан бошқа китобларгача, ҳатто мактабдан бериладур - деб ёзган эди Ҳамза "Мактаби "Дор ул-айтом" мақоласида. - Юқоридаги иона қилувчи афандиларимизга қиёсан фақир ва етим болаларга раҳм ва шафқатлари бори Худо ва Расулдан ва миллатнинг ризолиги бирлан дунё ва охират саодатлариға хаваскордан қариндошларимизға бу тўғрида нақадар иона ва мурувват кўргузмоқларини рижо ва ниёз қилурмиз. Ҳамда ҳар ойда эхсонларни жамлаб, хоҳ оз, хоҳ кўп бу етим болаларин мактаб мудирига берсалар, нақадар болаларни илму маърифатга етишмоқига энг биринчи шафқатлу ота-оналаридан бўлур эдилар... Диёнатлик баъзи аҳбобларимиз ҳар ойнинг охирида юборадургон ақчаларини ёздуруб қолдурғонлариға ман-да аларға чин қалбим ила ташаккуримни газета орқали эълон қилуб, ваъдаларини-да ёзиб ўтувни муносиб кўраман" [6.243,244].

Профессор Беғали Қосимов фикрича: "Ҳамза ижодиға, айниқса, Исмоилбек Гаспиралининг "Таржимон", Фотиҳ Каримийнинг "Вақт" газеталари, Ризо Фахриддиннинг "Шўро" журнали, шу билан бирга, ўзбек тилида Тошкентда чиқа бошлаган Исмоил Обидийнинг "Тараққий", Мунавварқори Абдурашидхон ўғлининг "Хуршид", Абдулла Авлонийнинг "Шухрат" газеталари кучли таъсир кўрсатган" [5.386]. Натижада Ҳамза ўз асарлари билан жадид адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшди.

Ҳамза ижоди серқирра экани маълум. Бирок "Миллий ашувлалар учун миллий шеърлар" шоир назмида алоҳида ўрин тутди. "Гул" тўпламлари номи билан машҳур ушбу мажмуа 1915-1917 йилларда тузилган. Халқона оҳангдаги бу шеърлар миллатнинг онгига чақмоқдек таъсир қилди. Унинг орзу-армонларини, идеалларини ифодалади. Миллатни ўзлики англашга, маърифатга даъват этди. "Пешонамиз тор экан", "Согиниб", "Салом айтиб" сингари шеърларида 1916 йилги мардикорлик воқеалари миллат ҳаётида нақадар оғир асорат қолдирганини таъсирчан бадиий образларда акс эттирди. "Йиғла, Туркистон" шеъри миллатнинг бошига тушган фожиа нақадар чўнг эканидан дарак берди, унинг руҳсиз тани фақат илму маърифат орқалигина жонланмоғи мумкинлиги ҳақида бонг урди:

**Дариг тутманг илм учун кетса молу жон,  
Ўқув фарзлиги минг йўл Куръонда фармон,  
Маърифатсиз топулмас аҳкоми иймон,  
Илмсизга айтулмас комил мусулмон.  
Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,  
Рухсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.**

"Яхши ҳолин йўқотган оқибатсиз Туркистон" сатри билан бошланувчи шеърда шоир таназзул гирдобига тушган она Ватани ҳолига ачинади. Ачинибгина қолмайди, унинг дардига чора излайди. Бир пайтлар оламга маърифат зиёсини улашган миллатнинг шу қадар забун ҳолга келганидан чуқур изтироб чекади:

**Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очулмас,  
Рухсиз тандур, ханжар урса, қони сочулмас,-**

мисраларини ҳар тўрт сатрдан кейин такрорлаш орқали аҳволнинг нақадар мураккаб ва аянчли эканини тасвирлайди.

Шоир миллатнинг дардига малҳам қўймоққа интилди. Тарихдаги шавкат, тараққий, шаъну даврон қайта келиши учун миллат ҳукми Куръон истамоғи зарурлиги ҳақидаги хулосага келди. Фафлат уйғусидан кўз очиши, замонга боқиб, олға қадам босмоғи, Луқмон тирилиб келса ҳам тузалмас даражага келган жаҳолат дардига малҳам қўймоғи шарт эканини уқтирди. ҳар бир фарзанд бу йўлда боши кетса ҳам, талоши миллат тараққийси бўлмоғини орзу қилди.

Ҳамза оламда кечаётган ҳодисалар моҳиятини теран англаган назари тийрак зиёли эди. Шу боис 1904 йилги

рус-япон урушига бағишланган шеърда мустабидларга бўлган муросасиз муносабатини қуйидагича талқин этди:

**Билинг, дўстлар, бу кофирни  
тахту тожин олур ёпун,  
Парвардигорим хоҳласа,  
ҳарна борин олур ёпун...  
Ўрусдин кетди давлати,  
зоҳирда бордур савлати,  
Насиб бўлмас бул давлати,  
бир кун бошин олур ёпун -**

Шоир наздида чор Россиясининг мазкур урушдаги мағлубияти Туркистоннинг мустамлака зулмидан қутулмоғи учун тарихий имкон эди. Бирок, таассуфки, бу имкон ҳам бой берилди.

Мухторият эълон қилинган тарихий тунда Ҳамза Туркистон шахрида эди. Миллат қисматида беқиёс аҳамиятга эга бўлган бу тарихий воқеа шоир қалбидаги орзуларга қанот бағишлади. Ана шу туйғу таъсирида ёзилган "Туркистон мухториятина" шеърда шоир ислом миллатини орадан нифокларни кўтармоққа, истиқлол йўлида бирлашмоққа, бир санжоққа тўпланмоққа чақиради:

**Келинг эмди бирлашинг, ислом миллати!  
Кетсин сунний, шиалик нифоқ иллати!  
Бир санжоққа тўплансун ислом давлати!  
Қутлуғ бўлсун Туркистон мухторияти!  
Яшасун энди бирлашуб, ислом миллати!**

"Янги саодат" "миллий роман"и орқали Ҳамза ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб мазкур жанр намуналарини яратиш сари дадил қадам қўйди. Асарга эпиграф сифатида олинган

**Ўқуб таҳсили илм айла, маориф шарбатин ютгил,  
Тилингни жаҳлдан қутқор, гами миллат била ўтгил -**

мисралари муаллиф кўнглидаги асосий гоёни ифодалагани жиҳатидан қимматлидир. "Ал-Ислоҳ" журналида босилган тақриздан олинган мана бу фикрлар асарнинг ўша кездеги таъсир кучи нечоғлиқ бўлганини кўрсатади: "Янги саодат" исмли қирқ олти саҳифали туркий ва Туркистон шевасида бир миллий рўмоннинг янгидан таъб бўлуб нашр қилинуви бизни кўп масрур этди. Халқни ўқув ва ёзув тарафиға тарғиб қилмоқ учун ҳозиргача Туркистон шевасинда бунингдек таъсирли рўмон нашр ўлинмаши, десак муболага бўлмаса керак. Бу рўмоннинг муҳаррири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий жаноблари ва ношири Хўқандда "Мадоро" кутубхонасидир" [1].

Ҳамза, бундан ташқари, "Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ курбонлари" (1915), "Ўч", "Мухторият ёки автономия" (1917), "Ким тўғри?", "Бой ила хизматчи" (1918) каби драмаларни яратди. Жадидчилик гоёларининг бадиий талқинига асосланган бу саҳна асарларини мутахассислар жаҳон драмачилиги талаблари даражасида, дея эътироф этади. Шухрат Ризаевнинг "Жадид драмаси" тадқиқотини истисно қилганда, улар мустақиллик йилларида ҳолис илмий мезонлар асосида чуқур ўрганилган эмас. Адиб драмаларини бугунги кун талаблари даражасида драма назарияси асосида тадқиқ қилиш Ҳамзашунослик олдидаги долзарб вазифалардандир.

Ҳамза муҳаррир ва публицист сифатида жадид матбуотида фаол қатнашди. Туркистон ҳаётида қизгин кечган 1917 йилда аввал "Кенгаш", кейин эса "Хуррият" журналлари таъсис этилишига бош бўлди. Тараққийпарвар жадидларнинг барчаси каби 1917 йил Феврал инқилобини катта қувонч билан қаршилади. "Хуррият" журналининг илк сонидида чоп этилган "Бугунги қадрилик кунлар" сарлавҳали мақоласида бу воқеага муносабатини қуйидагича изҳор қилди: "Бу кун бахт фалакиндан чиқмиш ҳақиқат қўёши мусовот, адолат каби энг соф зиёлари билан энг қоронғуда йўқолган игна каби нозик ва муҳим мақсадларимизни ҳам ялтүратуб кўрсатмақдадур. Мана, бугун ҳақиқат, хуррият воситаси билан эски хоин ва золим, мустабид ҳукуматни(нг) эллик йилдан бери бўйин, қўл ва оёғимизга сезимсиз солуб келган умрлик оғур занжирларин кўзга кўрсатуб енди, халос қилди. Бу кун ҳақиқат, мусовот воситаси билан, бир тараф, золим амал-

дорлар, иккинчи тарафдан раҳмсиз, шафқатсиз талончилар темир тирноғи остида пўстлари бутун сидирилиб, юраклари эзилиб, чўқуб, хонумонларидан ажраб келув турган мазлум, ноҳақ фақиру бечора, етим, ғарибларни бургутлар панжаи маргидан раҳо қилди... Бу кун энг қадрлик, энг ғаниматлик кун! Бу кун Остроумов, Ильминский кабиларнинг тарбиясида яшаган ва анинг маслакига хизмат этувчи, ватандаги ўз ораимиздан чиққан дин хоинларини(нг) хиёнатларин ҳақиқат майдонига отур. Ноҳақларни шарманда ва сарнигун қилур" [6.263,264].

Табийки, бу фикрлар ҳукмрон доираларга ҳам, уларнинг Туркистондаги малайларига ҳам маъқул келган эмас. Натижада ҳар икки журнал оз муддатда ёпилди. Лекин Ҳамза публицистик асарларида Ватан ва миллат тақдири билан боғлиқ муҳим масалаларга муносабат билдиришда давом этди. Миллатнинг забун аҳволдан куйинган адиб "Ийди қурбон" мақоласида мана бундай ёзади: "...Биз келайлик яна фақирлар ва етимларимиз ҳолина. У йилдан бу йилга ба ҳазор машаққат, танини латта поралар, қорнини парча-пурча нонлар ила қаноатлантириб келган фақир ва етим, бекас ва бехонумон, аксари ота-онадан, баъзилари бир парчагина ватандан маҳрумликда мусича каби бўйин қисилган, ҳавонинг бироз совуқлик шиддатларидан устлари юпун, ранглари саргайган, юқоридаги асоссиз давлатга моликларнинг ясан-тусандаги шов-шувлари куйган юрак-бағри устига намақоб бўлиб, диллари маънос ва вайрон, жигарлари эзилган..."

Эй, қардошлар! Худо йўлига, деб қурбон қилувчи улуг зотлар! Кўзингизни очинг! Эшикларингиз остида интизор бўлиб ўтирган фақир ва етимлар ҳолина боқинг! Ўйланг, фикр қилинг!..." [6.251].

Ҳамза Ҳакимзода қаламига мансуб мақолаларнинг сарлавҳалариёқ уларда ўша даврнинг нечоғлиқ долзарб муаммолари ёритилганидан дарак беради. "Фақирлик нимадан ҳосил ўлур", "'Муаллиф афандиларимизга улуг ражомиз", "Қалбга билимни(нг) йўлини очайлик", "Миллат маърифат билан тирик"... Бу мақолаларда адиб Ватан ва миллат таназулининг бош сабаби ҳаюлат ва билимсизлик экани, Туркистонда, шундоқ ёнма-ён яшаётган ўзга миллатларнинг илм ва маърифат туфайли кундан-кунга бойиб, тараққий этиб бораётгани ҳақида ёзар экан, ҳар бир сатридан изтироб ва дард силқиб туради.

Исмоилбек Гаспрати вафоти барча жадидлар каби Ҳамзага ҳам кучли таъсир қилди. Бу улуг инсонни у миллатнинг маънавий раҳнамоси деб билди. "Ўзини(нг) инсон эконлигин ҳақиқий кўз била кўргандан бери бутун Русия мусулмонлари орасига маориф денгизини оқузмоқ ва тошзорларни сабзозор этмоқ муродида қаршудаги "садд" бўлган баъзи нифоқ, ғафлат ва ҳаюлат каби ҳисобсиз тузулган энг зўр катта тоғларни ёлғуз ўзи Фарҳод каби илтиҳод ва ғайрат тешаси била бузуб текиз қил-

ғон зот-да бу марҳум ва мағфур Исмоилбек ҳазратлари эди" [6.254], - деб ёзади "Явм ул-вафот" мақола-сида.

Бугина эмас, Ҳамза таъбирича: "Дунё юзида бори олтимш олти санагина яшамоғи борасинда миллиун-миллиун мусулмон ва муслима сағира ва кабираларга ҳақиқий бир ота бўлув муносабати-ла аралариндаги ваҳшат ва ғафлатни пора-пора қилув, хуршиди илм ва маҳтоби маърифатни(нг) зиё ва нуруни суҳулатлик ила бошимизга тушуруб, бир-биримизни танишдурган зот-да бу марҳум ва мағфур Исмоилбек ҳазратлари эди" [6.254].

Ҳамза ва жадидчилик ҳақида фикр юритилар экан, унинг илтимой-сиёсий ҳаракатлардаги иштироки масаласини четлаб ўтиб бўлмайди. "Шўройи ислом" тузилган 1917 йили Ҳамза унинг тарафдорларидан бўлиб майдонга чиқди. Ўша йилиёқ ташкилотда бўлиниш юз берди. "Уламо" жамияти ажралиб чиқди. "Монархистлар ва кадетлар "Уламо"ни қўлга олиб, ўлкада жуда катта сиёсий кучни ташкил этдилар. Буни шундан ҳам билса бўладик, Тошкент шаҳар кенгаши сайловида жадид элчилари 11 ўринга эга бўлганлари ҳолда руҳонийлар, кадетлар, монархистлар 65 овоз қозондилар ва вазиятга ҳоким бўлдилар. Фожиа шундаки, "Уламо" жамияти шаҳар кенгаши раислигига Самарқанднинг собиқ ҳарбий волийси, 1916 йили Жиззахни ер билан яқсон қилган генерал Ликошин номзодини кўрсатган эди" [4.110]. Бу воқеа Ҳамзага қаттиқ таъсир қилди. Адибнинг "Мухторият ёки автономия" драмасида "Уламо" жамияти Қўқон шўъбаси мажлиси бадий тасвир этилган. Муаллифнинг ўзи буни: "Туркистонда хуррият бўлуви муносабати ила ёшлар ва уламолар орасинда ихтилоф ўлароқ уламолар айрилиб кетувлари руҳоний мажлисин тасвиридир", дея алоҳида таъкидлайди. Асарда узоқни кўра олмайдиган, нодон ва жоҳил ватандошларимизнинг жоҳеий образлари яратилган. Асар мазмунидан Ватан ва миллатнинг эртанги кунини бундай кимсалар қўлига топшириб бўлмаслиги ҳақидаги аччиқ ва ҳақоний ҳулоса яққол англашилади.

Тўғри, шўроларнинг қатағон қиличи миллатнинг не-не закий фарзандлари жонига хатар солган мураккаб ва зиддиятли даврларда Ҳамза ижодида муросага мойиллик, комфирқа мафқураси таъсирига ён бериш тенденцияси сезилиб туради. Бироқ у жисман ва руҳан миллатпарвар жадидлар сафида тургани, она Ватанини дунёнинг ривожланган давлатлари, жондан азиз миллатини жаҳоннинг мутараққий халқлари қаторида кўриш орзусида яшагани ҳам ҳақ рост. Улуг шоир, адиб, драматург ва публицистнинг серқирра ижодий ҳамда илтимой-сиёсий фаолияти истиқболда янада чуқурроқ ўрганилиши давр талабидир.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. "Ал-Ислоҳ" журнали, 1915 йил 15 июл.
2. Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. - Т.: "NOSHIR", 2012.
3. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. - Т.: "Ўзбекистон", 2008.
4. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. - Т.: "Маънавият", 2002.
5. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. - Т.: "Маънавият", 2004.
6. Ҳамза. Бугунги қадрлик кунлар. /Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Тўртинчи том. - Т.: "Фан", 1989.
7. Шарафиддинов О. Истибод қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир. Ижодни англаш бахти. Т., 2004.